



## **ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ**

Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг назарий муаммолари таҳлил этилган. Шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказишда “кечиктириб бўлмайдиган ҳолат” мавжудлигини текшириш муаммолари муҳокама этилган.

**Калит сўзлар:** суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати тергов ҳаракати, қонунийлик, кечиктириб бўлмайдиган ҳолат

### **Проблемы последующего судебного контроля за следственными действиями на стадии досудебного производства**

**Аннотация.** В данной статье анализируются особенности, отличающие последующий судебный надзор за следственными действиями на стадии досудебного производства от превентивного судебного контроля. Также обсуждались проблемы проверки наличия случаи не терпящих отлагательства при проведении следственных действий.

**Ключевые слова:** суд, стадия досудебного производства, судебный контроль, следственное действие, законность, неотложность



## Problems of further judicial control over investigative actions at the pre-trial stage

**Abstract.** This article analyzes the features that distinguish subsequent judicial control over investigative actions at the pre-trial stage from preventive judicial control. The problems of checking the presence of "urgent circumstances" during investigative actions were also discussed.

**Keywords:** court, pre-trial proceedings stage, judicial control, investigative action, legality, urgency

Тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг назарий жиҳатдан ечимини кутаётган муаммоларидан бири, суднинг илтимосноманинг фактик асосларини аниқлашга қаратилган процессуал фаолиятининг ҳуқуқий табиатидаги ноаниқлик ва бундан келиб чиқиб суд назоратини амалга оширишнинг механизми белгиланмаганлиги билан боғлиқ.

Бу ўз навбатида суд назорати натижасининг преюдицион оқибатлари билан боғлиқ муаммони келтириб чиқаради. Жумладан, суд назорати натижаси юзасидан тергов ҳаракати ўтказилишининг қонунийлиги юзасидан қабул қилинган хулоса, ишни мазмунан кўришда айнан шу тергов ҳаракати натижасининг қонунийлиги масаласи муҳокама қилинганда мажбурийлиги масаласи ҳал қилинмаган.

Назарий жиҳатдан ушбу масала суд назоратини амалга ошириш юзасидан суднинг фаолияти жиноят-процессуал исботлаш ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги, агар исботлаш ҳисобланса унинг хусусиятлари ва воситалари билан боғлиқ.

Ғ.Шодиевнинг фикрига кўра суд назоратининг дастлабки терговдаги ушбу фаолиятини исботлаш фаолияти деб айтиш мумкин,



чунки исботлашнинг объекти-қамоққа олиш, ушлаб туриш тўғрисидаги, тегишли тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги терговчи қарорининг қонунийлиги ҳамда асослилигини тасдиқлаш ёки рад этиш судьяга юклатилади<sup>1</sup>. Бироқ, ушбу фикр мунозарали сабаби иш тергов органида бўлган вазиятда, бундан ташқари ҳимоя тарафининг иштирокисиз суд исботлашни амалга ошира олмайди, бундан ташқари қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқлаш илтимоснома қўзғатган органга юклатилган.

ЖПКнинг 85-моддасига мувофиқ, исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Яъни ЖПК исбот қилиш деганда, жиноят иши доирасида исбот қилишни назарда тутди.

Илмий адабиётларишни судга қадар юритиш босқичида суднинг мазкур фаолиятига уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатади:

Биринчи ёндашув суднинг ишни судга қадар юритувидаги фаолиятини исботлаш сифатида баҳолашга асосланади<sup>2</sup>;

Иккинчи ёндашув ушбу фаолиятни исботлаш эмаслигидан келиб чиқади;

Учинчи (аралаш) ёндашув суднинг билиш фаолияти ҳам исботлаш ҳам бошқа воситалар орқали амалга оширилиши мумкинлиги яъни исботлашнинг алоҳида шакли мавжудлигидан келиб чиқади.

Жумладан, Е.Е.Коробкованинг фикрига кўра суд тақдим қилинган(илтимоснома ташаббускори томонидан) айблов далилларини текшириш ва баҳолашга кириш, тарафлар ўртасидаги низони мазмунан ҳал қилиш учун уларни алоқадорлиги, мақбуллиги ва етарлилиги



нуқтаи-назаридан баҳолаш юзасидан шартсиз ваколатга эга бўлиши зарур. Фақат мазкур объектив асосда, судья у ёки бу илтимосномани қаноатлантириш учун юридик ва фактик асослар мавжудлиги ҳақида хулосани шакллантиришга ҳақли<sup>3</sup>.

Далиллар мақбуллигининг умумий назарияси, далилларни баҳолаш далилларнинг жамидан келиб чиқиб баҳолангандагина муваффақиятли бўлиши мумкинлигидан келиб чиқади. Бу ерда эса биз исботлаш жараёнининг тўлиқ парчаланишига, далилларни тўплаш ва баҳолаш бўйича фаолиятнинг мутлақ узилишига тўқнаш келамиз, бу эса нафақат жиноят-процессуал назариянинг фундаментал қоидаларига зид келади балки жиноят процессининг хаосига олиб келади<sup>4</sup>.

Албатта суд назоратининг амалга ошириш самарадорлиги суднинг тергов органи томонидан тақдим қилинган материалларни текшириш ва баҳолаш юзасидан ваколатига бевосита боғлиқ.

Суд назоратини амалга ошириш жараёнида суднинг фаолияти тергов органи томонидан тақдим қилинган материалларни текшириш ва баҳолашга қаратилган. Яъни, суд назоратини амалга ошираётган ва ишни мазмунан кўраётган суднинг процессуал фаолияти умумий қоидаларга асослансада, бироқ мақсадлари турлича.

Жумладан, тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга оширишда, исботлаш предмети, тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида илтимосномада кўрсатилган фактларнинг объектив воқеликка мувофиқлигини текшириш билан чекланган.

Бунда, ишни мазмунан кўриш босқичидаги исботлашдан фарқли равишда суд назоратида нафақат далиллар балки далил мақомига эга бўлмаган фактик маълумотлардан фойдаланилиши мумкинлигини инобатга олиш ўринли. Бундан ташқари ишни судга қадар юритиш



босқичида суд исботлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект эмас, у фақат тақдим қилинган материалларни жиноят-процессуал қонунга мувофиқлигини текшириши мумкин.

Бироқ, В.Ю.Стельмахнинг тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга оширишда терговчининг илтимосномасининг асослилиги презумпцияси қўлланилиши ҳақида фикрни асосли деб бўлмайди, чунки бу ҳолда суд назорати ўзининг конституциявий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотади.

А.А.Устинованинг фикрича, ишни судга қадар юритиш босқичида суднинг жиноят-процессуал фаолияти исботлаш предметига кўра (ишни мазмунан кўришда ҳал қилинадиган масалаларга киришиш шу жумладан ишнинг фактик ҳолатлари, далилларни баҳолаш, қилмишни квалификация қилиш билан боғлиқ хулосалар мумкин эмас), исботлаш субъектлари бўйича, суднинг фаоллиги даражаси бўйича(ўзининг фаол ваколатларидан шу жумладан экспертиза тайинлаш, экспертни ва бошқаларни сўроқ қилиш учун чақириш маҳрумлиги, шунингдек суд терговнинг қисқартирилганлигини инобатга олган ҳолда исботлаш усулига кўра ўзига хос хусусиятларига эга<sup>5</sup>.

Биринчидан, суд жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширар экан ўз қарорини ҳуқуқий табиати номаълум бўлган маълумотлар билан асослаши мумкин эмас;

Иккинчидан, суд назорати маъмурий фаолият эмас, бинобарин шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал қарорлар қабул қилиш учун фақат жиноят-процессуал далилларга асосланиши мумкин, чунки ЖПКда билишнинг бошқа воситаси кўзда тутилмаган;



Учинчидан, суд назоратида жиноят-процессуал исботлашдан ташқари билишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги, жиноят-процессуал билиш тизимининг ягоналигига мувофиқ эмас;

Тўртинчидан, суд назорати натижасида қабул қилинган қарорлар жиноят ишининг якуний натижасига бевосита таъсир қилади, процессуал қарорлар исботлаш воситасиз қабул қилиниши мумкинлиги эса, ўз навбатида уни асослантириш талаб қилинмаслиги ёки фақат тергов органи томонидан тақдим қилинган материаллар билан асослантирилишини англатади;

Бешинчидан, суд қарорининг фақат тергов органи томонидан тақдим қилинган материаллар билан асосланиши, мазкур материалларнинг қонунийлиги презумпциясини яратади, бу эса қонунийлик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, далилларни эркин баҳолаш принципларига мувофиқ эмас.

Айнан мазкур сабабга кўра, суд назорати ва ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суд қарорларининг ҳуқуқий оқибатларида жиддий фарқ мавжуд. Сабаби, тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга оширишда суднинг ихтиёрида бўлган материаллар хажми ва суднинг ихтиёрида бўлган ваколатлардан келиб чиқиб, ишнинг ҳолатлари ҳақида тўлиқ маълумот бўлмаслиги мумкин.

Бундан ҳолатда ишни судга қадар юритиш босқичида ва суд ўзининг процессуал ваколатларидан тўлиқ фойдаланиш имкони мавжуд бўлган ишни муҳокама қилиш босқичида аниқланган иш ҳолатларининг ишончлилиқ даражасида фарқ бўлиши табиий.

Суд қарори қонуний кучининг объектив чегаралари суд қарори предмети орқали чегараланади<sup>6</sup>.

Қонуний кучга кирган суд қарорлари асосида ўрнатилган ҳолатлар маълум бир шахслар учун преюдициал аҳамиятга эга бўлади.



Преюдициянинг субъектив чегаралари қонуний кучга эга қарорнинг субъектив чегаралари билан аниқланади<sup>7</sup>.

Яъни, преюдициянинг субъектив чегараларидан келиб чиқилса, суд назоратини амалда оширишда қатнашмаган иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи) лар учун суд назорати натижасида қабул қилинган ажримлар мажбурий кучга эга бўлмайди.

Бироқ ушбу масалада турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, С.В. Никитинанинг фикрига кўра ишни судга қадар юритиш босқичида қабул қилинган суд қарорларининг преюдициясининг шартлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: ишни судга қадар юритиш босқичида суд томонидан йўл қўйилган қоидабузарликлар ҳақида маълумот ва тарафларнинг шикоятини қабул қилишда ошкора қоидабузарликларнинг мавжуд эмаслиги, (агар тарафлар шикоят қилган бўлса) суд қарорининг қонунийлиги ва асослилиги юқори турувчи суд инстанцияси томонидан тасдиқланганлиги)<sup>8</sup>.

Бироқ ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди, сабаби мазкур олимнинг ўзи ишни судга қадар юритиш босқичида суд исботлашни амалга оширмаслиги, балки далиллар асосида исботлаш фаолиятини амалга ошириши ҳақида фикр билдирган бўлиб, исботлаш натижаси бўлмаган процессуал ҳужжат қандай қилиб преюдицион характерга эга бўлиши мумкинлиги асослантирилмаган.

Жумладан, суд назоратини амалга ошириш механизмлари тўлиқ тартибга солинмаганлиги натижасида судья етарли асосларсиз тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериб уни легаллаштириши ёки унинг натижаларини қонуний деб топиши мумкин. Бироқ, суд назорати натижаси бўйича суд ҳужжати, бошқа суд ҳужжатларидан ҳуқуқий табиатига кўра фарқланмаслиги, умуман жиноят процессида “оралиқ ёки дастлабки суд ҳужжатлари” тушунчаси мавжуд эмаслиги натижасида,



асосий суд муҳокамасида унинг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги аниқланган тақдирда ҳам айнан суднинг ташаббуси билан бекор қилиш имкони йўқлиги билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Яъни етарли текширувсиз, тарафларнинг иштирокисиз аниқланган фактлар, манфаатдор тарафлар учун мажбурий характерга эга бўлиши мумкин, айтилиши вақтда мазкур шахслар суд назорати бўйича суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга эмас.

Бир тарафдан, далилларни эркин ва ички ишончга кўра баҳолаш принциpidан келиб чиқиб, ишни мазмунан кўраётган суд, суд назорати натижасида қонуний деб топилган тергов ҳаракати натижасини номақбул деб топишига чеклов мавжуд эмас. Бу албатта асосий суд муҳокамасининг унгача бўлган муҳокамалар( суд назорати, дастлабки эшитув)га нисбатан процессуал имкониятлари ва ваколатлари кенглиги, шунингдек дастлабки эшитувда номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи ишни мазмунан кўриш давомида тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Бироқ, суд ноқонуний деб топган тергов ҳаракати натижасини номақбул деб топилиши қонунда тўғридан-тўғри белгиланганлиги суд ҳужжатининг локал даражада преюдицион характери мавжудлигини кўрсатади.

Фикримизча, ушбу масалани ҳимояга ҳайрихоҳлик (*favor defensionis*) ва барча шубҳалар гумонланувчи фойдасига (*in dubio pro reo*) принциpidан келиб чиқиб ҳал қилиш зарур.

Тарафларнинг амалда тенг эмаслиги, ваколатларни механик равишда тенглаштиришдан ташқари, заифроқ тараф сифатида ҳимоя томонига қўшимча ҳуқуқ ва кафолатлар бериш орқали махсус компенсация қилиниши лозим<sup>9</sup>. Яъни жиноят процессининг



конструкцияси айрим ҳолатларда ҳимоя тарафига процессуал афзалликлар беришни талаб қилади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари ўтказиш ваколати тўлиғича тергов органига берилган, бинобарин, тергов органинг хатоси сабабли кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ўтказилган тергов ҳаракати қонунга хилоф деб топилиши ҳимоя томоннинг манфаатига хизмат қилишидан келиб чиқиб, бундай қарорнинг преюдицион аҳамият ҳимоя томони манфаатига хизмат қилади. Аксинча ҳимоя томони суд муҳокамаси давомида, тергов ҳаракатининг қонунга хилофлиги юзасидан важ келтирган ҳолда, суд назорати якуни бўйича ажрим, судни ҳимоя томонининг важларини текшириш мажбуриятидан озод қилиши мумкин эмас.

Суд назоратини амалга ошириш жараёнида суднинг ваколатлари ҳажми юзасидан турлича қарашларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи ёндашув суд назоратини амалга ошириш жараёнида фақат муайян тергов ҳаракатларини ўтказишга ваколатли эканлигидан келиб чиқсада, бироқ мазкур тергов ҳаракатларининг турлари юзасидан умумий фикр мавжуд эмас.

Жумладан, Е.А.Овчинникованинг фикрига кўра ишни судга қадар юритиш босқичида суднинг ваколатлари ЖПКда алоҳида белгиланиши керак ва ушбу ваколатлар давлат органларидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоқда сақлаш мумкинлигини аниқлаш учун суд-тиббий гувоҳлантиришдан ўтказишдан иборат бўлиши зарур<sup>10</sup>.

Бундан ташқари суднинг гувоҳлантириш, ҳужжатларни ва предметларни кўздан кечириш (С.В. Никитина)<sup>11</sup>, қўшимча



хужжатларни талаб қилиб олиш (А.В. Пиюк<sup>12</sup>, О.О. Аваков<sup>13</sup>)  
ваколатларини белгилаш

Иккинчи ёндашув (О.Ю.Цурлуй, У.К.Дзабиев, С.И.Конев<sup>14</sup> суд  
назоратини амалга оширишнинг муайян тергов ҳаракати билан  
чекланмаганлигидан келиб чиқади.

Жумладан, С.И.Коневанинг фикрига кўра, ҳимоячининг далиллар  
тўплаш ҳақида илтимосномасини фақатгина суд тергов жараёнига  
аралашмаслиги асоси билан рад қилиш, одил судловга эришиш  
ҳуқуқини рад қилиш сифатида баҳоланиши мумкин<sup>15</sup>.

Бизнинг фикримизча, тергов ҳаракатлари устидан суд назорати  
жараёнини тўлақонли суд терговига айлантириш мақсадга мувофиқ  
эмас, сабаби бу ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси  
ўртасидаги чегаранинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли, биринчи  
ёндашув суд назоратини амалга оширишда яъни чекланган доирадаги  
тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкинлиги ҳақида фикрни асосли деб  
ҳисоблаймиз.

Бироқ суд ваколатлари суднинг фаоллик даражасига бевосита  
боғлиқ. Бироқ мазкур фаоллик исботлаш предметининг бўшлиқларини  
тўлдириш эмас, балки тергов томонидан тақдим қилинган далилларни  
текширишга қаратилган бўлиши зарур.

Ишни судга қадар юритишда исботлашда оммавий ва хусусий  
манфаатларни ҳимоя қилиш юзасидан тарафларнинг имкониятларида  
ассимметрия мавжудлиги суд назорат иш юритувида суднинг  
фаоллигини ошириш ва суд иш юритувида уни чеклашни талаб қилади<sup>16</sup>.



Илтимосноманинг асослилигини исботлаш уни қўзғатган органнинг мажбурияти, бинобарин суд тергов ҳаракатини ўтказишнинг асослилигини исботлаш учун далиллар йиғишга мажбур эмас.

Бироқ, суд далилларни текшириш мақсадида зарурат туғилганда тергов органидан иш учун аҳамиятли бўлган материалларни талаб қилиш олишга ваколатли бўлиши, шу билан бирга кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ўтказилган тергов ҳаракатларининг қонунийлигини текширишда тарафлар, шу жумладан конституциявий ҳуқуқлари чекланган шахс ҳам қўшимча материаллар тақдим қилишга ваколатли бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Судларга ҳамиша зарурат туғилганда муайян иш юзасидан назорат миқёси ва чегарасини мустақил белгилаш имконияти берилиши зарур<sup>17</sup>.

Суд назорат иш юритуви материалларига у ёки бу далилни қўшиб қўйиш масаласи унинг алоқадорлиги нуктаи назаридан яъни муайян суд назорат иш юритуви юзасидан умумий ва махсус исботлаш предмети доирасига кирувчи ҳолатларни тасдиқлаш ёки рад қилиши мумкинлигидан келиб чиқиб ҳал қилиниши зарур<sup>18</sup>.

Суднинг фаоллик даражаси айтилиб вақтда процессуал муддатлар билан чекланган.

Жумладан, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан саккиз соатдан, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома қирқ саккиз соатдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Бинобарин, муайян процессуал ҳаракатни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишдан олдин суд белгиланган процессуал муддат доирасида



уни ўтказишнинг реал имкони мавжудлигини инобатга олиши талаб қилинади.

Бироқ, мазкур ваколат тергов сирини ошкор қилиш хавфини юзага келтириши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди. Шунга қарамасдан, тергов сирини ошкор қилмаслик ва одил судлов манфаатлари тўқнаш келганда, одил судловнинг мақсадлари устувор бўлиши зарур. Айни вақтда суд назоратни амалга ошириш жараёнида талаб қилиб олинган маълумотларнинг ошкор қилинишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши талаб қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ғ.Шодиев. Тергов ҳаракатлари устидан прокурор ва суд назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: Бош прокуратура академияси 2019. – 64-б
2. Иванова О.Г. Уголовно-процессуальное производство по избранию судом меры пресечения: уголовно процессуальная форма и особенности доказывания : дис. ... канд. юрид. наук. Красноярск, 2019. С.17.
3. Машовец А. О. О получении судебных доказательств в рамках процедур судебного контроля в ходе досудебного производства // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2015. № 4. С.113.
4. Рудич В.В. Механизм применения мер пресечения в российском уголовном судопроизводстве : дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2020. С.122-123.
5. Чикулина А.Р. Предмет и пределы доказывания при разрешении судом ходатайств об избрании мер пресечения : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2024. С.11.



6. Коробкова Е.Е. Соотношение функций судебного контроля и разрешения уголовного дела в деятельности суда // Вестник Московского университета МВД России. 2012. №6. С.99.
7. Головки Л.В. Институт следственных судей: американизация путем манипуляции/ Российское агентство правовой и судебной информации (РАПСИ). 22/03/2015.  
[http://rapsinews.ru/legislation\\_publication/20150320/273362096.html](http://rapsinews.ru/legislation_publication/20150320/273362096.html)
8. Устинов А.А. Доказывание при рассмотрении судом материалов уголовного дела в ходе досудебного
9. Салеева Ю.Е. Преюдиция в современном уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2014. – С. 18.
10. С.Уралов. Жиноят-процессуал қонунчилигида преюдиция институти. юрид. фан. фалс. докт. дисс.(PhD) Т., Тошкент давлат юридик университети, 2023. 58-б.
11. Никитина С.В. Доказательственная деятельность суда при принятии процессуальных решений в досудебном производстве по уголовным делам : дис. ... канд. юрид. наук. Ульяновск, 2022. С.86.
12. Сенькина Ж.С. Активность суда в уголовно-процессуальном доказывании : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 2014. С.11.
13. Колоколов Н.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования преступлений: важная функция судебной власти (проблемы осуществления в условиях правовой реформы) : дис. ... канд. юрид. наук. М., 1998. С.150.
14. Лукьянов С.С. Компетенция суда при осуществлении судебного контроля на досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. Санкт Петербург, 2025. 137-б.